2016 ЙИЛ 4 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 70 (13.133)

Баҳоси эркин нархда

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида 31 март куни "Таълим ва мутахассислик" XIV халқаро кўргазмаси очилди."Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "SSP-Expocontact" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг кўплаб олий ўқув юртлари, хорижда таълим олишга кўмаклашувчи ташкилотлар, ўқув курслари ҳамда бандликка кўмаклашувчи марказлар, тиббиёт бирлашмалари, банклар, ўқув марказлари, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш корхоналари иштирок этмоқда.



Отабек Мирсаатов олган сурат

ЁШЛАР КЎНГЛИДАГИДЕК ЎҚИШ ВА ИШ ТОПДИ

Кўргазманинг очилишида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси ўринбосари Сарвар Ашуров, Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Назира Дадахонова, Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Эдгарс Бондарс, Америка Қўшма Штатлари элчихонасининг маданият ва таълим масалалари бўйича атташеси Диане Дел Росарио ва бошқалар Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида ёшлар замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидорини тўла намоён этиши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлмоқда. Коллежларда муайян касб-ҳунарларни яхши ўзлаштирган ёшлар корхоналарга тайёр мутахассис сифатида келмоқда. Лицейларда ўқувчилар умумтаълим фанларини чуқур ўрганмоқда. Олий ўқув юртларига кириш ва танлаган мутахассислиги бўйича таълимни давом эттириш учун етарлича билимга эга бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов қарори билан тасдиқланган 2011-2016 йилларга мўлжалланган олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастури мамлакатимиз таълим тизимини янада ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Қарорга мувофиқ олий ўқув юртлари бинолари янгидан қурилиб, реконструкция қилинмоқда. Жиҳозлаш, замонавий лабораториялар ташкил этиш, ўқитиш йўналишларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштиришни ўз ичига олган аниқ мақсадли тадбирлар амалга оширилаётир.

Бугун ёшлар нафақат мамлакатимизда, балки дунёнинг исталган давлатига бориб, ўз билимини янада мустаҳкамлаш, замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиш, касб-ҳунар эгаллаш имконига эга. "Таълим ва мутахассислик" XIV халқаро кўргазмаси йигит-қизларнинг бу борадаги интилишларини янада кенгроқ рўёбга чиқаришга имконият яратади.

– Кўргазманинг мақсади ёшларни Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар ўқув муассасалари билан таништириш, мутахассислиги бўйича иш топишига кўмаклашишдир, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши координатори Бахтиёр Мирзатов. – Бугунгача ўтказилган "Таълим ва мутахассислик" кўргазмаларида 160 мингдан ортиқ ёшлар қатнашди. Бу галги кўргазмада Ўзбекистон, Россия, Малайзия, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Хитой, Латвия, Польша, Венгрия, Испания, Канада, Швейцария, Сингапур каби давлатларнинг йигирмадан зиёд етакчи олий ўқув муассасалари ва уларнинг филиаллари, тил марказлари, кўплаб иш берувчи ташкилотлар қатнашмоқда.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимиз ва жаҳон таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиликлар, ўзгаришлар билан танишиш имконига эга бўлмоқда.

– Ушбу кўргазмада учинчи бор қатнашмоқдамиз, – дейди ЎзА мухбирига Дебресен университетининг талабалар билан ишлаш бўйича координатори Лазло Козма (Венгрия). – Ўзбекистон таълим тизимини ривожлантириш учун соҳага жуда катта сармоя жалб этилаётгани хорижда ҳам маълум ва ўрнак олса арзийди.

Кўргазманинг мутахассислик йўналиши мамлакатимизнинг етакчи фирма ва компанияларига малакали ходимлар топиш имконини бермоқда.

– Ўндан ортиқ иш ўринларимиз билан қатнашмоқдамиз, – дейди "Uz CLAAS Service" масъулияти чекланган жамияти кадрлар бўлими мутахассиси Ойимхон Жамбилова. – Ёшлар жамиятимиздаги механиклик, инженерлик, муҳандислик каби мутахассисликлар бўйича ишлаш истагини билдирмоқда. Уларга фаолиятимиз ҳақида зарур маълумотлар бераяпмиз.

Кўргазмада нафақат таълим муассасаларини битираётган йигит-қизлар, балки тажрибали мутахассислар ҳам ўзлари истаган ишни топиши мумкин.

Уч кун давом этадиган кўргазма доирасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан йигит-қизларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ўқув семинарлар, лойиҳалар тақдимоти ўтказилади.

Дилшод КАРИМОВ

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкентда Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши раиси Ҳ.Кетмонов ва бошқалар Президентимиз томонидан тасдиқланган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, перинатал ва скрининг марказлари, патронаж хизматларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ёшларни жисмонан соғлом ва интеллектуал етук шахс этиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида шу ва бошқа масалалар юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг маҳаллий кенгашлардаги жамоатчилик қабулхоналарига фуқаролардан 2 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди. Мурожаатларнинг 85 фоиздан ортиғи ижобий ҳал этилди. Долзарб масала ва вазифалар партия гуруҳлари йиғилишлари ва тегишли сессияларда муҳокама қилинди.

Пленумда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, тегишли қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида барча партия ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамкорлигини янада фаоллаштириш ва кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Чунончи, Давлат дастурида белгиланган олис ва чекка қишлоқ ҳамда туманлар аҳолиси, айниқса, аёллар учун зарур тиббий-ижтимоий, маиший шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этиш, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пленумда партия аъзоларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва демократик ўзгаришлар жараёни ҳамда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастуридаги вазифаларни амалга оширишда фаол иштирокини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

М.ҚАРШИБОЕВ,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, 2016 йил 1 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Ялпи мажлиснинг иккинчи кунини сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқишдан бошладилар. Таъкидланганидек, Марказий банкнинг ўтган йилдаги фаолияти "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ амалга оширилди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган вазифаларни ва Марказий банкнинг аввалги ҳисоботлари якунлари бўйича қабул қилинган Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарорларини бажаришга қаратилди.

Ҳисобот йилида банкларнинг капиталлашув даражасини оширишга, ликвидликни мустаҳкамлашга доир чоралар кўрилиши ва депозит базаси оширилиши натижасида юксак рейтинг кўрсаткичларига ва иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар ҳажми ошишига эришилгани сенаторлар томонидан қайд этилди. Банк тизимида эришилган кўрсаткичлар умумэътироф этилган халқаро нормаларга мос бўлибгина қолмай, балки айрим йўналишлар бўйича уларнинг баъзиларидан ортиқ ҳамдир.

2015 йилда банк тизимининг янада мустаҳкамланиши, банклар капиталлашув даражасининг ошиши ва инвестиция фаолиятининг кенгайиши таъминланди. Банк тизимининг умумий капитали 2014 йилдагига нисбатан 23,3 фоиз ошди ва 7,8 триллион сўмни ташкил этди. Охирги 5 йилда бу кўрсаткич 2,4 баравар ўсди. Мамлакат банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил этди, бу эса Базель қўмитаси томонидан белгиланган умумэътироф этилган халқаро стандартларнинг энг кам даражасидан 3 баравар ортиқдир, банк тизимининг ликвидлиги энг юқори индикатор баҳолардан 2 баравар юқори бўлди.

Ҳисобот йилида банкларнинг жами активлари 25,1 фоиз кўпайди ва 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 65,2 триллион сўмни ташкил этди.

Пул-кредит сиёсати 2015 йилда истеъмол нархлари индекси бўйича мўлжалланган инфляция даражасини таъминлашга кўмаклашди. 2014 йилдагига нисбатан инфляция даражаси (6,1%) 0,5 фоиз пасайди ва 5,6 фоизни ташкил этди.

2015 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 27,3 фоиз ошди. Ички маблағлар ҳисобидан ажратилган кредитлар тижорат банклари кредит портфелининг умумий суммасида 86,7 фоизни ташкил этди, шундан 79,8 фоизи инвестиция мақсадларига ажратилган узоқ муддатли кредитлардир.

Банклар инвестиция кредитлари ҳажмларининг кенгайтирилиши иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш учун ҳамда техник ва технологик қайта жиҳозлашга доир инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун муҳим аҳамият касб этди. 2015 йилда тижорат банклари томонидан ушбу лойиҳаларга 10,2 триллион сўмлик кредитлар ажратилди, бу эса 2014 йилдагига нисбатан 20 фоиз кўп демакдир.

Иқтисодиётнинг техник ва технологик янгиланишини қўллаб-қувватлаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, инновацион ва энергия тежовчи технологиялар асосида янги корхоналар ташкил этиш, жаҳон бозорида талабга эга янги маҳсулот турларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни ўзлаштириш орқали банк тизимининг инвестиция сиёсатини кучайтириш натижасида молиявий-иқтисодий барқарорлик таъминланди.

Ҳисобот даврида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан ажратилган кредит ҳажми 2014 йилдагига нисбатан 1,3 баравар ошди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Уларга ўз бизнесини яратишлари ва эгаллаган билим ҳамда кўникмаларини амалиётда қўллашлари учун қарийб 280 миллиард сўм ажратилди, бу эса 2014 йилдагидан 1,3 баравар кўпдир.

Банк хизматлари турлари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Жумладан, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми охирги беш йилда 3,5 баравар ошди, шу жумладан, 2015 йилнинг ўзида 1,3 баравар ўсди.

Банк тизимининг барқарорлиги, унга бўлган ишончнинг ошиши, аҳоли даромадларининг кўпайиши аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилишнинг кафолати бўлиб хизмат қилди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқандда IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркаси ўтказилди. Унда Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари, Ўзбекистон Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари сингари 30 дан ортиқ ташкилот иштирок этди. Улар томонидан саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, информацион технологиялар ҳамда илм-фан соҳасидаги 150 га яқин инновацион технология ва ишланмалар намойиш этилди.

• Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида Қаршида ўтказилган "Солиқ билимдонлари" республика танловининг ҳудудий босқичида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари талаба-ёшлари ўз иқтидорини намойиш этди.

• Гулистонда маҳаллий давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқармалари фаолиятига "Электрон ҳукумат" тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг долзарб масалалари мавзусида семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Халқаро валюта жамғармаси Грецияни қарзидан қутулишнинг йўлини тезроқ излаши лозимлиги ҳақида огоҳлантирди.

• Кеча Буюк Британияда иккита поезднинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида 18 киши жабрланди.

• Россиянинг Томск областида рўй берган кучли ёнғин натижасида 8 киши ҳаётдан кўз юмди.

• Японияда Токио билан шимолий Хоккайдо оролини боғловчи тезюрар поездлар линияси ишга туширилди. Ушбу масофани самолёт бир ярим соатда босиб ўтса, тезюрар поезднинг Токиодан Хоккайдо оролига етиб боргунича 4 соат вақт ўтади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Натижада 2015 йилда банк тизимида амалга оширилган ислоҳотлар иқтисодиётнинг юқори суръатларда барқарор ўсишини таъминлашнинг ва аҳоли фаровонлигини ошириб боришнинг асосий омили бўлиб хизмат қилди.

Мамлакат банк тизимида эришилган ижобий натижалар халқаро рейтинг агентликлари берган баҳоларда ўз аксини топди. Охирги олти йил мобайнида "Мудис" рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимига "барқарор" рейтингини бериб келмоқда.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон ҳозирги вақтда тадбиркорлик фаолияти учун ишчанлик муҳитини яхшилаш соҳасида охирги йилда энг яхши натижага эришган жаҳон мамлакатларининг биринчи ўнталигига киради. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, "янги бизнесни қўллаб-қувватлаш" ва "кичик бизнес субъектларига кредитлар бериш" каби мезонлар бўйича Ўзбекистон охирги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилди, ўтган йилнинг ўзидагина ўз рейтингини 63 ўринга яхшилаб олди.

Таъкидланганидек, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан барқарор пул-кредит сиёсатини олиб бориш давом эттирилди, банк тизими капиталини ошириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозитлари миқдорини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ва кўрсатиладиган банк хизматлари ҳажмини ошириш чоралари кўрилмоқда, шунингдек, банк назорати тизимига Базель қўмитасининг янги тавсияларини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Ҳисоботни муҳокама қилиш чоғида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни билдирдилар. Хусусан, банк-молия тизимининг барқарорлигини сақлаш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторлар манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб қилиш ҳисобига банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш, банкларнинг инвестиция фаолиятини юксалтириш, шунингдек, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида назарда тутилаётган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида банклар ва бошқа молия муассасалари фаолияти устидан назорат қилиш самарадорлигини ошириш тавсия этилди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2015 йилдаги фаолияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги жавобгарлигини кучайтиришга қўмаклашди. Сенаторлар ушбу қонуннинг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ижро этилишини ва бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини батафсил муҳокама қилдилар.

2015 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталари билан ҳамкорликда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан фаол иш олиб борилди.


ЎзА олган сурат

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ва биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни тиклаш юзасидан 2015 йилда 14 та минтақавий дастур таклиф этилди ва ҳукумат томонидан маъқулланди.

2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастурини, шунингдек, унинг асосида қабул қилинган ҳудудий дастурларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди.

Энергиянинг қайта тикловчи манбаларини жорий этиш, экологик тоза товарлар ишлаб чиқариш каби масалалар ҳам диққат марказида бўлди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан табиий муҳит ифлосланишини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш, чиқиндиларни бошқариш, қўриқланадиган табиий ҳудудлар тизимини, экологик туризмни, қайта тикланадиган энергетикани ва бошқа йўналишларни ривожлантириш каби муҳим соҳаларда халқаро ҳамкорлик ривожлантирилди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан 2015 йилда олиб борилган аниқ мақсадга қаратилган ишлар натижасида табиатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий база мустаҳкамланди, давлат экологик назорати кучайтирилди ҳамда кичик ва ўрта бизнес зиммасига тушадиган юк камайтирилди, тармоқлараро бошқарув такомиллаштирилди ҳамда халқаро ҳамкорлик ривожлантирилди. Бажарилган ишлар табиий муҳит сифатига, биологик хилма-хилликни сақлашга ва тиклашга қўйилган талабларга риоя этилишини таъминлаш имконини берди.

Ҳисоботни муҳокама қилиш чоғида сенаторлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятининг самарадорлигини – ҳам давлат экологик назоратининг, ҳам жамият экологик назоратининг таъсирчанлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш юзасидан таклиф ва тавсияларни билдирдилар.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш, Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги Фавқулодда ва мухтор элчисини тайинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сенатнинг икки кунлик мажлиси чоғида 14 та масала, шу жумладан, демократик, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотлари босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштиришга, Асосий Қонунимиз қоидаларини амалда рўёбга чиқаришга, мамлакатимиздаги инвестициявий муҳитнинг жозибадорлигини оширишга, тадбиркорлик субъектлари учун ишчанлик муҳити ва қулай шарт-шароитлар яратишга, аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтиришга, мамлакатимизда барқарорлик ҳамда фаровонликни мустаҳкамлашга қаратилган тўртта қонун кўриб чиқилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

ЕР УЧАСТКАЛАРИ ТАНЛОВ АСОСИДА БЕРИЛАДИ

Миллий матбуот марказида тадбиркорлик субъектларига ер участкалари бериш тартибига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси масъул ходимлари, лойиҳа институтлари мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси ўринбосари А.Тожиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига кенг имкониятлар яратилгани, ер участкалари ажратиш ва қурилиш борасида ҳам уларга алоҳида имтиёзлар берилганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Анжуманда мазкур қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилаётган ишлар, унинг афзалликлари, талабларнинг соддалаштирилиши асосида яратилаётган қулайликлар, ерни танлов асосида олиш шартлари ҳақида сўз юритилди.

– Танловда тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаси аҳамияти, яратиладиган иш ўрнига ҳам эътибор қаратилади, – дейди "Даваархитектқурилиш" қўмитаси бўлим бошлиғи Ҳамза Очилов. – Бу уларнинг ўз ишига масъулиятини кучайтиради. Ерлардан мақсадли фойдаланадиган, рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ишбилармонлар сафини кенгайтиради. Соҳадаги бу янгилик тадбиркорлик субъектларига тенг рақобат шароитларини яратишни кўзда тутган.

Бу борадаги ишлар Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган "Юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга танлов асосида ер участкалари бериш тартиби тўғрисида"ги низом асосида тизимли равишда ташкил этилаётир.

Анжуманда бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида маълумот берилди. Журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан "Менинг бизнес ғоям" танлови тарғиботига бағишланган семинар ташкил этилди.

Семинарнинг бош мақсади тадбиркорлик қобилияти ва шу соҳада янги ғояга эга бўлган касб-ҳунар коллежлари, академик лицей битирувчиларининг бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва бандлигини таъминлашга қаратилди.

– Жорий йилда 10 мингдан ортиқ йигит-қиз тадбиркорликка жалб қилинди, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши "Ёш тадбиркор" консультатив маркази координатори Ж.Тангиркулов. – Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг имтиёзли микрокредитлар олишида кўмаклашиш, уй меҳнати ва касаначиликни, кичик ишлаб чиқаришни ривожлантиришда мазкур лойиҳанинг аҳамияти катта. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши, Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва 8 та тижорат банклари, Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси томонидан "Менинг бизнес ғоям", "Ёш тадбиркор – юртга мададкор", "Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам" каби қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ишбилармонлар, банк мутахассислари иштирокида ташкил этилаётган учрашувлар, семинар-тренинглар ёшларнинг тадбиркорлик ҳақидаги билимларини бойитишга хизмат қилмоқда.

Семинар давомида иштирокчиларга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан "Менинг бизнес ғоям" танлови тартиби ва унда иштирок этиш юзасидан қўйиладиган талаблар ҳақида маълумотлар берилди.

* * *

Тошкент туризм ва бизнес касб-ҳунар коллежида ўтказилган семинар-тренинг ҳам битирувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга бағишланди.

Тадбир "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод тумани Кенгаши томонидан коллеж битирувчиларининг тадбиркорликка оид билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ташкил этилди.

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш ва ёшларнинг янгидан-янги таклиф ва режаларини қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантиришда "Менинг бизнес ғоям", "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" лойиҳаларининг ҳам аҳамияти беқиёс. Мазкур лойиҳалар касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначиликни фаоллаштириш ҳамда уларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринларини яратиш, мустақил ҳаётда ўз ўринларини топиш ва бизнесини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

– Бундай тадбирлар ўқувчиларнинг ишбилармонлик салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилиб, янги ғоя ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашмоқда, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод тумани Кенгаши "Ёш тадбиркор" консультатив маркази мувофиқлаштирувчиси Бекзод Исаев. – Бугунги тренингда мутахассислар йигирмадан ортиқ ўқувчининг бизнес-режаси билан танишиб, истиқболли лойиҳаларни аниқлади.

Зиёда РАСУЛОВА

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ – ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТ СИФАТИДА

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши — фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролар ўзини ўзи бошқарувининг кафолатини ўзида мужассам этган нормалар мавжуд бўлиб, бунга асосан давлат нуқтаи-назаридан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувига муҳим аҳамиятга эга институт сифатида ёндошилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида фуқароларнинг "давлат ишларини бошқаришда ўз вакиллари орқали иштирок этиш" ҳуқуқига эгалиги, давлат ҳокимияти органларида ўз вакилларига эгалиги билан чегараланмайди, балки мазкур принципнинг халқ ҳокимиятининг барча органларига бирдек қўлланилишини билдиради. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини конституциявий қоидалар билан мустаҳкамланганлиги унинг оммавий-ҳуқуқий характерини белгилаб беради. Демак, давлат ҳокимияти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қонуний-ҳуқуқий база ва юридик кафолат билан таъминлаган, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзини ўзи бошқара оладиган аҳоли фаолияти ва унинг органларининг, оммавий ҳокимиятни давлат воситалари ва хизмат кўрсатиш услублари ўрнини тўлиқ боса олмайдиган жойларда ташкил қилинади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солиб туришда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун энг муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов институтининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонун ана шу каби қонунлар жумласига киради. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш институти мавжуд бўлган давлатда шахс манфаати, давлат манфаати, шу билан бирга маҳаллий манфаатлар эътироф этилади ва кафолатланади. Бунда маҳаллий манфаатлар, давлат манфаати ифода этилиш усулининг таркибий кўриниши сифатида эмас, балки алоҳида мустақил аҳамиятга ва кафолатга эга бўлган манфаат ҳисобланади.

Бизнинг жамиятда жамоа бўлиб яшашнинг энг олий шакли маҳалладир. Ўзбекча "маҳалла" сўзи арабчада "жой" маъносини билдирувчи "маҳаллун" сўзидан келиб чиққан. Х асрдаёқ шаҳарлардаги савдо-ҳунармандчилик гузарлари, кейинчалик эса уй-жой мавзелари "маҳалла" сўзи билан аталган. "Маҳалла" атамасидан шаҳарнинг табиий шаклланган бир қисмини билдирувчи том маъносидан ташқари, шаҳарнинг шу қисмида яшовчиларнинг ҳудудий жамоаси, муайян касб-ҳунар билан шуғулланувчилар маъносида ҳам фойдаланилган. Маҳалла аҳолисининг ижтимоий таркиби бир хил бўлмаган. Маҳалла аҳолисининг таркиби ҳар қанча хилма-хил бўлмасин – синфий тенгсизликка, касб жиҳатдан уюшмаганлигига қарамай, улар шахсий алоқалар, муштарак манфаатлар ва мажбуриятлар, умумий ишларда иштирок этиш орқали маҳалла жамоасига бирлашган. Маҳалла ҳаётининг жамоа бўлиб яшаш тарзи ўзини-ўзи бошқариш тизимини келтириб чиқарди. Маҳаллий жамоаларни, маҳаллий даражада ўзини ўзи бошқаришни ташкил этишнинг бу шакли асрлар оша яшаб келмоқда.

Бугунги кунда ҳам у тарих қаърига сингиб кетаётгани йўқ. Чуқур тарихий илдизларга эга бўлган, халқнинг кундалик ҳаётини ташкил этиб ва йўлга солиб турган маҳалла демократик пойдеворга асосланган мунтазам ахлоқ-одоб тизимини келтириб чиқарди. Ҳозирда маҳаллада фуқаролар йиғини раисига кўпгина ваколатлар белгилаб қўйилган. Шунингдек, фуқаролар йиғини раисининг қуйидаги ваколатлари мавжуд. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли): фуқаролар йиғинини чақиради; раис маслаҳатчиларининг, масъул котибнинг, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда маъмурий комиссия раислари ва аъзоларининг номзодларини сайлаш учун фуқаролар йиғинига тақдим этади; қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, фуқаролар йиғини ва унинг кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир ишларни ташкил этади; давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқароларнинг манфаатларини ифодалайди; фуқаролар йиғини маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади; эгасиз мол-мулкни, шунингдек мерос тариқасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтган мол-мулкни сақлаш чора-тадбирларини кўради; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи номидан шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади; кам таъминланган оилаларнинг, шунингдек табиий офатлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритади; ўз ҳудуди доирасида яшовчиларни ҳисобга олиб боришни, шунингдек тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашишга доир ишларни ташкил этади; вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этади, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этади, шунингдек бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади; ички ишлар органларининг профилактика бўйича тегишли инспектори билан биргаликда "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмасининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

Шунингдек, яраштирув комиссиясида раислик қилади; тегишли ҳудудда байрам кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил қилади; рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг, диний қарашларни мажбуран сингдириш ҳолларининг олдини олишга доир ишларни уюштиради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади; фуқароларни қабул қилади, уларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқади; фуқароларга уларнинг оилавий ва мулкий аҳволи тўғрисида маълумотномалар ҳамда ҳужжатлар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар берилишини таъминлайди; фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тегишли органларга тақдимномалар киритади; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) белгиланган намунадаги гувоҳномага эга бўлади. Фуқаролар йиғини аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қиладиган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, замонавий демократик цивилизация нафақат ўзининг ривожланиши ҳақида, балки ўзлигини сақлаб қолиш тўғрисида қайғурмоқда. Бир сўз билан айтганда маҳалла – фуқаролик жамияти йўналишида эришиладиган ижтимоий муросани таъминлаш – турли гуруҳлар ўртасида барқарор уйғунликка эришишга асосланади.

Г.ТЎЛАГАНОВА,
Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири,
Д.БОЗОРОВА,
шу университет ўқитувчиси

Қарор ва ижро

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ:

АМАЛИЁТ ВА САМАРА

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан бошланғич синфлар учун босқичма-босқич янги чет тили дарслик-мажмуалари нашр этилиб, таълим жараёнига татбиқ қилинмоқда.

2016-2017 ўқув йили учун тайёрланган навбатдаги "Kids' English 4", "Deutsch mit SpaB 4", "Hirondelle 4" дарслик-мажмуалари жойлардаги тажриба-тадқиқот мактабларида синовдан ўтказилди. Айни пайтда мазкур қўлланмалар билан самарали ишлаш методикасини фан ўқитувчиларига етказишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институтида "Бошланғич синфларда чет тилини ўқитиш методикаси" (4-синф инглиз, немис ва француз тили дарсликлари асосида) мавзусида 36 соатлик махсус тренерлар тайёрлаш курслари ташкил этилди. Курсларга умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган ҳудудлардаги энг илғор 200 дан зиёд чет тили ўқитувчиси таклиф қилинди. Машғулотларни дарсликлар муаллифлари, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессор-ўқитувчилари олиб борди.

– Тренингларда мутахассислар томонидан бошланғич синфларга мос янги педагогик технологиялар ҳамда дарслик-мажмуадаги экспериментатор-ўқитувчилар томонидан нисбатан мураккаб, деб топилган мавзуларни ўқувчига тушунтириш бўйича тавсиялар берилди, – дейди Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти хорижий тиллар кафедраси мудири Махфират Абдуллаева.

Ўқув курсида малака оширган тингловчилар апрель-июль ойларида вилоятлардаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларида 2016-2017 ўқув йилида чет тили ўқитувчилари иштирокида белгиланган ўқув режаси ва намунавий дастур асосида маҳорат машғулотлари олиб борди.

Тадбир юртимизда чет тили ўқитувчиларининг тажрибаси ва маҳорати, дарсларга ижодий ёндашиш, миллий педагогик технологиялар яратишга интилиши ортиб бораётганини кўрсатди.

И.АВВАЛБОЕВ.
(ЎзА)

Реклама ўрнида

HAMKORBANK
BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотларда молия муассасаларининг иштироки алоҳида эътиборга лойиқ. Буни чет эл капитали иштирокидаги "Hamkorbank" АТБ фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин. Айниқса, банкнинг кўп сонли мижозлари – жисмоний шахсларга яратаётган имкониятлари бунга ёрқин мисол бўла олади.



ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТЛАР



Ислом Исмоилов олган суратлар

Банк бугунги кунда аҳолига ўндан ортиқ хизмат турларини таклиф этмоқда. Биринчидан, банк ўзининг хусусий мижозларига кредит маҳсулотларининг тўлиқ спектрини тақдим этади ва маҳсулотларининг кенгайиши борасида мунтасил иш олиб боради, қўшимча қийматга эга бўлган банк маҳсулотларини яратиш устида бош қотиради.

Чакана кредитлашни ривожлантиришда "Hamkorbank" мижоз билан узоқ йиллик ҳамкорликка мўлжалланган мақсадларга таяниб ҳаракат қилади. Бунинг учун банк бозор иқтисодиёти нуқтаи назаридан мувозанатлашган ва мижозлар учун очиқ-ойдин қулайликларга эга бўлган маҳсулотларни яратади. Таклиф этиладиган молиявий хизматларнинг кенг йўналиши қарз олувчилар турли тоифаларининг манфаатларини ҳисобга олишга имкон беради.

"Hamkorbank" истеъмол кредитларини аҳолига тақдим этишда талаб этиладиган ҳужжатлар пакетининг минималлиги сақлаб қолинади ва кредит буюртмаларини кўриб чиқишнинг қисқа муддатларига амал қилинади.

Иккинчидан, банк сизга қулай шартлар билан жамғармаларингизни банк омонатларига жойлаштиришингизни таклиф этади: сўмда, АҚШ долларида ва еврода. Муддатлари ва фоизли ставкалари бўйича мақбул бўлган омонатлар сизга барқарор даромад олишга ва эртанги кунга ишонч билан қарашга имкон беради. Бизнинг банк омонатлари сизнинг имкониятларингизга қараб қулай омонат турини танлаб олиш имконини яратади.

"Hamkorbank" жисмоний шахсларнинг омонатларини мажбурий тарзда суғурталаш лозим бўлган тизимга киритувчи банклар реестрига киради – бу эса омонатларингизнинг сақланиб қолишининг яна битта кафолатидир.

Учинчидан, "Hamkorbank" АТБ жисмоний шахсларга дунёнинг исталган нуқтасига пул маблағини хорижий валютада ўтказишга имкон беради.

Банк "Westernunion", "Anelik", "Contact", "ИВА-Express", "Unistream", "Allyur", "Lider", "Moneygram" ва "CacpianMoneyTransfer" тизимларининг қатнашчиси ҳисобланади ва шу туфайли биз ўз мижозларимизга яқин қариндошлари ва ошна-оғайниларига пулларни тез ва арзон нархда ўтказиб беришларига ёрдам беришимиз мумкин. Пул ўтказмасини расмийлаштириш бир неча дақиқа вақт олади халос.

Бугунги кунда "Hamkorbank" АТБ томонидан тақдим этилаётган миллий валютадаги банк пластик карталари фуқаролар томонидан тўловларни амалга оширишда энг қулай нақд пулсиз тўлов тизими сифатида тақдим этилмоқда. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш ва аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида банк пластик карталари бўйича бир қатор янги тарифлар ҳам жорий қилинди. Шу ўринда айтиш жоизки, пенсионерлар учун берилаётган пластик карточкаларга алоҳида фоизли тўловлар татбиқ этилмоқда.

Шунингдек, банк томонидан илғор ахборот технологияларига асосланган инновацион банк хизматларини жорий қилиш бўйича ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жисмоний шахслар учун мобайл банкинг "Hamkor mobile" дастури шулар жумласидандир. Мазкур хизмат тури мижозларга қимматли вақтларини тежаш, ортиқча харажатларнинг олдини олиш, "бир дарча" орқали турли амалиётларни бажариш қулайликларига эга. "Hamkor mobile" хизматига мижоз банк филиалига ташриф буюрмасдан мосфадан туриб уланиши ва ўзига керакли тўловларни амалга ошириши мумкин.

Ушбу банк хизмати орқали мижозлар мобиль алоқа ва шаҳар телефонлари, барча коммунал тўловлар, товар ва хизматларни сотиб олиш ва бошқа бир қатор тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.

Бундан ташқари, жисмоний шахслар ўз пластик карта ҳисоб варағидан махсус мобиль банк ҳисоб варағига пул ўтказиш ёки тескари амалиётни бажариши мумкин. Шу билан бирга "Hamkorbank" АТБ филиалларининг мижозлари омонат ҳисоб варақлари, кредитлари, пластик карталари ва бошқа ҳисоб варақлари тўғрисидаги кирим ва чиқим амалиётларини, ҳисобланган фоизларни, қолдиқларни, айланмалари тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятига эга.

Банк матбуот хизмати
Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Respublika mulk markazi" АЖ – 20 йиллик вақт билан синалган ишончли ҳамкор.

Хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушлар, асбоб-ускуналар, автомототранспорт воситалари ва бошқа турдаги мулкларнинг оммавий савдоларига таклиф этамиз.

Телефон: (0 371) 228-79-52, 228-80-31.
www.rmm.uz

"Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Олмазор туман суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 30.10.2015 йилдаги 10-1508/19188-сонли ижро варақасига асосан I. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Порлоқ кўчаси, 4-уйда сақланаётган "SCHMITZSK-24L" русумли, бошланғич баҳоси – 38 700 000 сўм, д/р 90 007 ОАА бўлган, 1998 йил и/ч, ранги оқ, техник ҳолати носоз тиркама-рефрижератор қўйилмоқда. II. "Шообид Плюс" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган 1. "ГБА СПГ Нексия Сонс" русумли, бошланғич баҳоси – 20 250 000 сўм, д/р 01 615 TTD бўлган, 2014 йил и/ч, ранги оқ, техник ҳолати носоз автотранспорт воситаси. 2. "Нексия" русумли, бошланғич баҳоси – 20 340 000 сўм, д/р 01 618 TTD бўлган, 2014 йил и/ч, техник ҳолати носоз автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 25 апрель соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 22 апрель соат 18:00. Автотранспорт воситалари билан Олмазор туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк бўйича алоҳида тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Ариза қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1^-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001580.

ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Respublika Mulk Markazi" АЖнинг устав фондидаги 34 фоизни ташкил этадиган давлатга тегишли бошланғич нархи 1 568 627 339 сўм бўлган акция пакетини "Тошкент" Республика Фонд биржасининг савдолари орқали сотиб олишга таклиф этамиз!

Жамият 1994 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Жамиятнинг асосий фаолияти юридик ва жисмоний шахсларга ҳамда давлатга тегишли автомототранспорт воситаларининг, хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушларининг, асбоб-ускуналарнинг аукцион ва танлов савдоларини ташкил этишдан иборат. Жамият Тошкент шаҳрида ўзининг маъмурий биноси, автотранспорт воситаларига, керакли оргтехника ва офис жиҳозларига эга.

Ўзбекистон Республикасида 2020 йилнинг 1 январигача хорижий инвесторлар акциядорлик жамиятларида уларга тегишли бўлган акцияларидан дивиденд тарзида оладиган даромадидан солиқ тўлашдан озод қилинганлар.

Телефон: (0-371) 227-90-23. **Веб-сайт:** rmm.uz

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга тадбиқ этилган бўлиб, унга кўра, жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ барча кўринишдаги хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ва турли кўринишдаги маълумотларни тақдим этиш учун юборилган аризаларни кўриб чиқиш **odnookno.uz** интернет саҳифасидаги аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Давлат хизматларидан фойдаланиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, ушбу ариза ижросини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали **(my.gov.uz)** орқали ваколатли орган — "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга қулай, тез ва ошкора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2016 йил 3 май куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги хатланган мол-мулклар қўйилмоқда: I. Чилонзор туман СИБ томонидан, Тошкент Ҳарбий автомобиль назорати жарима майдончасида сақланаётган: 1. 19.06.2015 й. кунги ижро варақа, 2009 йилда и/ч дав. бел. 10/U717DA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 43 820 179,20 сўм. 2. 14.01.2015 й. кунги ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 789 КА бўлган "Spark" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 25 452 878,90 сўм.

